

ЛЕНИН КОМСОМОЛИГА ШОН-ШАРАФЛАР!

БУТЎН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

**БУГУН
ТОШКЕНТДА
ЎЗБЕКИСТОН
КОМСОМОЛИНИНГ
ХІХ СЪЕЗДИ
ОЧИЛАДИ**

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

17-ИЙЛ ЧИҚИШИ.

№ 44 (4291).

4

МАРТ

ЧОРШАНБА

1970 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин



Турғунбой Едгоров бошлиқ комсомол ёшлар бригадаси. Тошкент лиллакашлик фабрикаси коллективи эришадиган ютуқларга эришган муносиб ҳиссасини қўшапти. Бригада аъзолари беш йиллик тошқирғини муддатидан олдин адо этиб ҳозир 1971 йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар. Суратда: бригада аъзоларидан Фотима Абдужабборовна, Васила Абдуллина ва бригадир Турғунбой Едгоров ўртоқлар.

СЎЗ—СЪЕЗД ДЕЛЕГАТЛАРИГА

ЛЕНИНЧА СИНОВЛАР

Г. ГАЛАЧКО,

В. И. Ленин номидаги Олмалик
кон-металлургия комбинати
комсомол комитетининг
секретари

Комбинатимизда меҳнат қилаётган комсомолларнинг барчаси Ленинча синовлардан муваффақиятли ўтмоқда. Синовнинг биринчи даври корхонамизда яхши якунида. Мана, энди иккинчи даври ҳам самарали ўтказиш учун курашмоқдамиз.

Ленин асарларини ўрганишда марказий автоматика лабораторияси комсомоллари айниқса жонбозлик кўрсатмоқдалар. Лаборатория бошланғич партия ташкилоты комсомолларнинг Ленинча синов қандай бораётганини доимо назорат қилиб турибди. Ёшлар яқинда «Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари» номли асар юзасидан заҳмет топиридилар. Энди доҳийнинг комсомол ўз сўзидан сўзлаган нутқи асосида заҳмет топиришга тайёргарлик кўрмоқдалар.

Комсомол маорифи тўғраги маҳсулотларида ҳам ёшлар В. И. Ленин асарларини эъроз қилиш билан ўрганишмоқдалар. «Буюк синов», «Оз бўлсин» — сўз бўлсин, «Рабири кимдир ташкил этиш керак» каби асарлар бўйича ўтказилган семинарлар амалий ишларда яхши натижа берапти. Доҳийнинг «Мусобака» қандай уюштириш керак» асарини ўрганиб чиққанлардан кейин мусобакада қатнашган комсомоллар сафи яна ҳам кенгайди. Қўллаб-қувватлаш коммунисик меҳнат зарбдори, ўз касбининг устаси бўлиш учун курашмоқдалар. Мусобақанинг тобора кенг қўл очилганлиги тўғрисида барча участкаларда смена топиришлари орти билан адо этилапти.

ҚУДРАТЛИ ТЎЛҚИН

В. ОДИЛОВ,

Чкалов номидаги авиация
заводи тоқари

Доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақа корхонамизда қизгин давом этмоқда. Ишчиларнинг салкам 42 проценти коммунистик меҳнат зарбдори деган фахрли номга сазовор бўлган. Улар орасида комсомол-ёшлар оз эмас.

Комсомолларимиз корхонада катта куч ҳисобланади. Давлат планларини бажаришда, ташкилий-техникавий тадбирларини амалга оширишда улар алоҳида ғайрат ва ташаббус кўрсатмоқдалар. Коммунистлар ёшларга ҳунар ўргатишда, уларни тарбиялашда ғамхўрлик кўрсатмоқдалар.

Мен янги ишга кирган кезларимда тажрибали тоғари Р. Рахматийга шогирд тушган эдим. Ўртоқ Рахматий ва бошқа кекса ишчилар менга ўз касбларининг сирини ўргатишди. Кейинчалик Р. Рахматий билан бирга ишлаб 12 кунлик топириқим беш кунда бажаришга муваффақ бўла бошладим.

Ёшларимиз ишлаб чиқаришда ўрнатилган кўрсаткичлар билан бажаришга одалганишган. Ҳар бир комсомол-ёш бирор топириққа эга. Ҳамкасбарим мен комсомол Ғуламисининг раҳбарлиги қилиб сайланган.

Доҳий юбилейи нишонланганидан айёмгача тўрт ойлик топириқим: бажаришга сўз берганмиз. Дастлабки икки ойлик планининг бажарилишини навбатдаги марраининг ҳам муваффақиятли заҳат этилишидан дарак бериб турибди.

МЕХНАТ— БАХТ

Р. ЛИШЧЕНКО,

Тошкент тўқимачилик комбинати
ип фабрикасининг бригада
бошлиғи

Меҳнатдан келса бойлик — турмуш бўлар чиройлик, деганларича бор экан. Бунини мен комбинатда ишлаб ҳис этдим. Ҳунар-билим юртини тамомлаб, бу ерга ишга келганимда 17 га эидигина қадом қўйган эдим. Дастлабки маошини тантанали суратда топиришди. Шунда меннинг қанчалар қувонганимни сезсангиз эди! Ўзинг ишлаб топган нон қанчалар ширин бўшини тўла сездим.

Ушандан бери қанча сувлар оқиб ўтди. Орада 11 йиллик мактабни тамомладим. Дугоналарим комсомол-ёшлар бригадасига бошлиқ қилиб сайландим. Ўз бригаданинг илгорлар даражасига билим қолқоқ бригадасига ўтиб ишлаш истагини билдирдим. Тезда бу бригада иш ҳам қўзға кўриниб қолди. Ҳозирги кунда бригаданим аъзолари 1972 йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар. Беш йилликнинг тўртинчи йилида бригадаларо бошланган социалистик мусобақада биринчи ўринни эгалладим.

Комбинатимизнинг бинжа цехларида ҳам меҳнат қилиб доғ таратаётган, обрў-эътибор топарётган ёшларимиз оз эмас. Улар эришадиган ютуқларини бугун Тошкентда очилган Ўзбекистон комсомолларининг XIX съезидига бағишламоқдалар.



Ўрта Чирчиқ районидagi Охунбобоев номли колхоз механизатори комсомол аъзоси Фарҳод Қодиров бу йил 40 гектар пахта майдошининг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил йиғиб-теришга аҳд қилган. Еш пахтакор-уруғ қадамдан то «оқ олтин» хирмонини уюшгача бўлган жараёларнинг ҳаммасини машинада бажаради.

ЁШЛИК ҒАЙРАТИ

Колхозимиз комсомол комитети ҳисобида 110 комсомол аъзоси бор. Кўпчилиги бевосита ишлаб чиқаришда. Бошланғич комсомол ташкилотларига жамоат ишларида қатнашган, таъаббускор ёшлар бошчилиқ қилмоқдалар. У. Асқарова, А. Мирзабобоева ўртоқларининг ишидан, айниқса, мамунимиз. Улар комсомоллар сафини ўстириш, уларни меҳнатга муҳаббат, ҳақ ишга садоқат руҳида тарбиялаш соҳасида катта иш қилмоқдалар.

Комсомол ёшлар пахтачиларини ривожлантиришга ўз муносиб ҳиссасини қўймоқдалар. Комсомол ёшлар механизаторларнинг эволюцияга етакчи қиладилар.

Шу кунларда комсомол комитети партия ташкилоты раҳбарлигида чигит экишни муваффақиятли ўтказиш ва мўл ҳосил этиштиришга эришиш

юзасидан қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Аввало шунинг айтиш керакли, комсомолларимиз ери экишга тайёргарлик, техникани пўхта-савлап учун ўзаро-мусобақани кўчатириб, яхши натижаларга эришмоқдалар.

Фермадаги сўт соғувчилар орасида комсомол-ёшлар кўп. И. Қўчқоров, И. Абдусатторов, ва, Ҳатима Ўроқова каби комсомол ёшлар ўларига бириктирган 14—15 бош ситирини ҳар бирдан ўтган йилдаги қараганда кўп сўт соғиб олиш учун курашмоқдалар.

Ҳозирги кунда Ленинча синовнинг энг муҳим даври бошланди. Бу санода қатнашаётган йигит-қизларимиз ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажариш учун курашмоқдалар, ҳамда доҳий меросини чуқур ўрганиб, ёшларининг сиёсий би-

лимларини, малакаларини оширмоқдалар.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг VIII пленуми ва Ўзбекистон комсомолы Марказий Комитетининг пленумида «Ўш» ёшларининг техника масбларини, эгаллаш учун бошлаган оммавий ҳаракатини аниқ олдиришда комсомол ташкилотларининг ишлари тўғрисидаги қарорини бажариш юзасидан Ўзбекистон комсомол Марказий Комитетининг белгиланган тадбирларини биз муҳоама қилиб чиқдик.

Колхозимиз комсомоллари бу йил янги марраларни эгаллаш учун бел боғлаганлар. Бу мақсадга эришиш учун ҳар қачонгидан ҳам ғайрат ва шижоат билан меҳнат қиладилар.

А. СТАНБОВЕВ,
Янгиқўра районидagi Х. Турсункулов номли колхоз комсомол комитетининг секретари.

ИККИ ОЙЛИК

П Л А Н БАЖАРИЛДИ

Бекобод шаҳар саноат корхоналари доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллиги шарафига социалистик мусобақани кўчатириб, январь ва февраль ойлари топириқларини муддатидан олдин адо этилди. Плана қўшимча 521 минг сумлик маҳсулот реалзация қилинди.

Бекобод районининг чорваларлари ҳам катта зафар қўздилар. Улар чорва маҳсулдорлигини ошираётган, биринчи квартал гўшт тайёрлаш планини барвақт адо этилди.

УЛКАН МАРРАЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МЕХНАТКАШЛАРИНИНГ
1970 ЙИЛГИ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

1970 йил — Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг юз йиллиги. Совет Иттифоқи Улуғ Ватан урушида қозongan тарихий ғалабанинг 25 йиллиги кенг нишонланган ва беш йиллик план якуниданан юбилей йили ҳам кириб келди.

Республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари партия XXIII съезди, КПСС Марказий Комитетининг март (1965-й) ва шундан кейинги Пленумлари қарорларини амалга ошира бориб, эришилган ажойиб натижалар билан ҳақли равишда фахрланган ҳолда 1969 йилга ва беш йилликнинг ўтган тўрт йилга якун ласмоқдалар. Улар доҳий юбилейни муносиб қутиб олиш учун мусобақани аяқ олдириб, пахта ва бошқа деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари этиштириш янада кўпайтириш учун мустаҳкам замин яратишга ҳаракат қилмоқдалар. Республика пахтакорлари, ўтган йили об-ҳаво шароитининг нуқолай нелишига қарамай давлатга 3862 минг тонна пахта топиридилар.

Бу муваффақиятини қўлга киритишда Қашқадарь области деҳқонларининг ҳиссалари диққатга сазовордир. Область бўйича социалистик мажбуриятда белгиланган 46,5 минг тонна ортиқ пахта этиштирилди, гектардан 28,7 центнер «оқ олтин» олинди. Илгичка толали пахта тайёрлаш плани ҳам ортиғи билан адо этилди.

Бухоро область колхоз ва совхозлари биринчи марта давлатга 400 минг тоннадан зиёд ёки планда белгиланган 53,9 минг тонна ортиқ пахта сотди.

Сурхондарь область хўжалиқлари давлатга 343,5 минг тонна, шу жумладан 73,6 минг тонна илгичка толали пахта топириб, пахта тайёрлаш планини муваффақиятли бажарди. Хоразм области давлатга 330,4 минг тонна, Сирдарё области 460,1 минг тонна, Фарғона области 453,1 минг тонна, Андижон области 391,9 минг тонна, Самарқанд области 365,1 минг тонна, Тошкент области 317,2 минг тонна, Наманган области 304,4 минг тонна ва Қорақалпоғистон АССР — 222,6 минг тонна «оқ олтин» етказиб берди.

Илгор колхоз ва совхозлар йил сайин пахтадан мўл ва барқарор ҳосил этиштирмоқдалар. 15 та район ва 229 та хўжалик гектаридан 30 центнердан ортиқ ҳосил олди.

Жарғуғон район пахтакорлари гектаридан 35,2 центнер, Шўрчи ва Янгиқўра районларининг меҳнаткашлари

34 центнер. Денов районидagi Социализм колхоз 44,5 центнер, Чирчиқ районидagi «Қизил Юлдуз» колхоз 42,4 центнер, Шовот районидagi «Москва» колхоз 39,9 центнер, Поп районидagi Ленин пошти, Денов районидagi «8 март» колхозлари 39 центнер, «Сурхон» совхоз 35,5, «Хазорбег» совхоз 34,9, «Қизилар» совхоз 32,1, «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхоз 30,1, Қашқадарь областидаги «XX партсъезд» совхоз 29,3, «Малик» совхоз 29 центнер ҳосил кўтарди. Ғузор районидagi К. Маркс номли колхозининг А. Бердиев бригадасида гектардан 60 центнер, шу хўжаликдаги Н. Меликулова бригадасида 55 центнер, Янгиқўра районидagi «Октябрь» 40 йиллиги колхозининг В. Маҳмудов бригадасида 52,7 центнер, Гулстан районидagi «Коммунизм» колхозининг Г. Маширипов бригадасида 52,7 центнер, Денов районидagi «Социализм» колхозининг К. Тошматов ва Шўрчи районидagi «Ленинизм» колхозининг Ф. Нисёзов бошлиқ бригадаларида 50 центнердан ҳосил олинди.

Пахта териш машиналари колхоз-совхоз ишлаб чиқаришда мустаҳкам ўрин эгаллаб, андиликда пахта тайёрлашда юксак суръатларга эришилгани, йилгич-терм мундари кискортилишини ҳақ қилувчи куч бўлиб қолди. Тез-тез йилгич қанчилиги натижасида деформация ўтказиш ва пахта териш машиналарини ишлатишда катта йиғинчиликлар вужудга келганлиги қарамай қўшма механик-хайдовчилар машхур механизатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шоймардон Қудратовнинг қаҳарига ақиб қўшилиб, ўз машиналарида белгиланган нормага нисбатан 2-3 марта ортиқ пахта тердилар. Ш. Қудратов, ўз сўзининг устидан чиқди. У тўрт қаторли «Ўзбекистон» машинаси билан 580 тонна пахта териб, рекорд кўрсаткичга эришди. Шеробод районидagi Охунбобоев номли совхозда Н. Жумаев 360 тонна, «Янгибод» совхозида Б. Замиев 350 тонна, «Восток» совхозида М. Юсупов 311 тонна, Задарь районидagi «XXII партсъезд» колхозиди Р. Сулаймонов 301 тонна, «Комсомолбод» совхозиди А. Худойназаров 290 тонна пахта терди.

Механизаторлар сафи хотин-қизлар ҳисобига йил сайин ортиб бормоқда. Қўшқўпри районидagi «Тошкент» колхозида У. Нуруллаева мавсумда 185 тонна, «Янгибод» совхозида С. Продан 170 тонна, Янқабог районидagi Энгельс номли колхозда Т. Тилавова 150 тонна пахта

«Малик» ва «Гулбоғ» совхозлари пахта йилгич-термийн механизациялаштиришда айниқса яхши натижаларга эришди. Бу хўжаликларда жами ҳосилнинг 90 проценти машиналарда териб олинди.

Ўтган йили республика қишлоқ хўжалиқининг бошқа тармоқлари ҳам самарали якунида. Ғалакорлар давлатга 410 минг тонна, яъни планда белгиланганидан 124 минг тонна ортиқ дон сотдилар. Шолан тайёрлаш плани 108,4 процент адо этилди. Кўпчилик колхоз-совхозларда ғала ва шолдан юқори ҳосил олинди.

Республиканинг сазавоткорлари, картошка этиштирувчилари, полизчилари, борбон ва соҳибкорлари ҳам талайгина ютуқларни қўлга киритдилар.

Сазавот тайёрлаш плани 118,4 процент, полиз маҳсулотлари этиштириш 127 процент, картошка тайёрлаш плани 102,5 процент бажарилиди.

Таманикорлар тамани баргини давлатга сотиш планини 180 процент адо этилди. Лубкорлар давлатга 326 минг тонна ёки пландагидан 46 минг тонна кўп қаноп поёси сотдилар.

Республика чорвадорлари Ўзбекистон КП Марказий Комитети XV пленуми қарорларига амал қилиб, хўжалик ва хўжалик ичиди ихтисослаштириш бўйича тадбирларни амалга ошириб, ўтган йили моллар сонини ошириш, чорва маҳсулотлари этиштириш ҳамда тайёрлаш кўпайтиришда талайгина муваффақиятларга эришдилар.

1969 йилда республика бўйича сўт топириш плани 101 процент, туҳум тайёрлаш 107 процент, қорақў тери топириш плани эса 129 процент бажарилиди.

Колхоз ва совхозларда қорамоллар сон 34 мингга ёки 2,8 процент орти, шу жумладан сиғирлар 4,1 мингга, паррандалар сон 1380 мингга етди, ёки 34 процент орти, сиғирлар сон ҳам анча кўпайди.

Сирдарь областининг колхоз ва совхозлари чорвачиликни ривожлантиришда самарали натижаларга эришдилар. Область бўйича сўт этиштириш давлат плани 104 процент бажарилиди, ҳар бир сиғирдан соғиб олинаётган сўт 42 килограммга орти, сўт, туҳум ва қорақў тери тайёрлаш бўйича белгиланган планлар ҳам ортиғи билан адо этилди.

Меҳнатин юксак даражада ташкил этиш тўғрисида мол-

лар сонини ошириш ва чорва маҳсулотлари этиштиришда юксак кўрсаткичларга эришадиган илгор районлар ва хўжаликлар, шунингдек ишлаб чиқариш пелпадамлари республикада жуда кўп. Масалан, «Қизилқум», «Фортис», «Улуғ», «Минбулоқ», «Ўзбекистон 40 йиллиги», «Қорақум» қоракўлчилик совхозлари, Томди районининг колхозлари об-ҳаво шароитининг нуқолай келиши натижасида юз берган қийинчиликларни мардонавор енгиб, молларини нобуд қилмай сақлаб қолдишда самарали натижаларга эришди ва давлат планларини муваффақиятли адо этди.

«Пахтаорол», «1-Бойву», «Пахтакор» совхозларида, «4-Чилос» совхоз-техникумида, Калинин районидagi «Ўзбекистон 40 йиллиги» ва К. Маркс номли колхозларда ҳар қайси сиғирдан 2500—3000 килограммдан ортиқ сўт соғиб олинди.

Социалистик мусобақа ташаббускори — Ўзбекистон районидagi «Коммунизм» колхозининг сўт соғувчиси Гулнора Гафурова ўзига белгиланган 73 та сиғирдан бир йилда 293 тонна, ҳар қайси сиғирдан эса 401,4 килограмм сўт соғиб олди. «Сайроб» совхозининг чўйони, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Эргаш Шамоев 1 та 100 совқидан 190 та қўзи, «Қизилқум» совхозининг чўйони Д. Бобомуродов — 193 та қўзи, ҳар қайси қўйдан 3,3 килограммдан жун қирғиб олди, қўзларининг 98 процетини нобуд қилмай сақлаб қолди.

«Птицепром» қорқоналарининг иши яхшиланди. 1969 йилда 119 миллион дона туҳум олинди, шундан 106,6 миллион донаси давлатга сотилди, ҳар қайси товуқдан ўрта ҳисобда 145 дона туҳум олинди.

Навоий паррандачилик фабрикасида 14,2 миллион дона туҳум тайёрланди, туҳум ва парранда гўшти этиштириш плани анча ошириб адо этилди, ҳар қайси товуқдан 160 дона туҳум олинди, товуқларнинг 98,5 проценти, жўзларининг эса 91,5 проценти нобуд қилмай сақлаб қоллинди. Қорақалпоғистон АССРдаги «Тўт этиштиришга» кўчатирилган Илгич номли совхоз, «Прогресс», «2-Жомбой», «Тошкент» ва бошқа чўчачилик совхозлари ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланди ҳамда юқори сифатли маҳсулот бера бошлад.

(Давоми иккинчи бегда).

(Боши 1 ва 2-бетларда).

Колхозларда ва давлат хўжаликларида 12,5 минг тон-

Гектар бошига камиди 187,5 центнер сабзавот, 90 центнер картошка оламиз.

зорларини яхшилаб парвариш қиламиз.

Бедароғи 16,0 минг гектарга етказамиз. Шу жумла-
дан бу ил 6000 гектар ерга беда экамиз. Эски бедароғи

узсиз эришиш учун бор кучимиз ва билимларимизни
аффарбар этамиз ва коммунизмнинг моддий-техника ба-
асини яратиш умумхалқ ишига муносиб ҳисса қўшамиз.

